

УЙ ОЛДИДАГИ ХАЗИНА

Келгуси сонларда ўқинг



Тешик тоғоранинг эгаси ким?

Келгуси сонларда ўқинг

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2018 йил 26 май • шанба • № 62 (4035)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Чирой очаётган «Сарҳад»

**Музработ — Сурхондарё вилоятининг қўшни Афғонистон ва Туркманистон давлатлари билан чегарадош чекка туманларидан бири. Ҳозир мазкур тумандаги «Сарҳад» массиви ҳудудида жойлашган «Янги диёр», «Юртим жамоли», «Ат-Термизий» маҳаллаларида «Обод қишлоқ» дастури асосида ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Хонадонлар, кўча ва кўп қаватли уйлар, йўл ва пиёдалар йўлакчаларида иш қизғин.**

**— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Обод қишлоқ» дастури асосида бизнинг туманимизда 3 та маҳаллани ободонлаштириш мўлжалланган. Туманимизда вилоятдаги 3 та жамоатчилик назорати гуруҳи фаолият юритмоқда. Хотин-қизлар, ҳаттоки кексалар ҳам қишлоғимиз обод бўлишини эшитиб, имконияти даражасида беғараз ёрдам бермоқда, — деди меҳнат фахрийси Қурбон Амирқулов.**

3 ▸

**Маънавият байрами**



## Китоблар оламига саёҳат

«Мутолаа қилишдан тўхтаган инсон фикрлашдан ҳам тўхтайди», дейди француз ёзувчиси Дени Дидро. Инсон китоб дунёсига қанчалик кириб борса, шунчалик маънавий хазиналардан түйиниб бораверади. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори айни шу жиҳатлар назарда тутилгани билан эътиборга молик. Халқимиз ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида жорий йил 24-25 май кунлари пойтахтимиз ва барча вилоятлар марказларида «Китоб бизни бирлаштиради» номли китобхонлар фестивали ташкил этилди.

2 ▸

**Халқаро алоқалар**

## Кенгаётган ҳамкорлик

**Жорий йил 23 май куни Россия Федерациясининг Москва шаҳрида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси халқаро Конфедерациясининг навбатдаги IX съезди бўлиб ўтди.**



Унда 2015 йил май ойидан 2018 йил апрелигача бўлган ҳисобот даврида тармоқ ходимларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий шериклик масалалари, иш берувчилар томонидан олинган мажбуриятларнинг бажарилиши аҳволи муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Съезд ишида ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳод Ханапияев халқаро ташкилот Ижроия қўмита аъзолигига, Республика кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси Гулноз Тошпўлатова Конфедерация тафтиш комиссияси аъзолигига сайланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси билан Арманистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Россия, Қирғизистон ва Қозоғистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳақида Меморандумлар имзоланди.

**Ўз мухбиримиз**

## КУН НАФАСИ

**«Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги** Президент қарори қабул қилинди.

Қарорда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нотариат институтининг роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган нотариал хизматларнинг сифатини яхшилаш мақсадида қатор вазифалар белгилаб берилган.

***

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 25 май куни Аргентина халқининг миллий байрами — **Май инқилоби куни муносабати билан Президент Маурисио Макрига табрик йўллади.**

***

**«Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрида»ги** Президент Фармони қабул қилинди.

Унга кўра, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти этиб қайта ташкил қилинди.

***

**«Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида»ги** Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилди. Университет оммавий ахборот воситалари соҳаси учун журналист кадрлар, шу жумладан, халқаро журналистлар тайёрлаш, республикада медиатаълим тизимини яратиш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

***

Ҳукуматнинг **«Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги** қарори билан Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси тасдиқланди.

Унга биноан, 74 та, шу жумладан, 31 та йўл-патруль ҳамда 43 та патруль-пост хизмати постининг фаолияти тугатилди.

***

Вазирлар Маҳкамасининг **«Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги** қарори қабул қилинди.

***

**«Маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларининг ягона тақвимини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги** ҳукумат қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ, ҳар йили 1 январга қадар интерактив шаклдаги Маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларининг ягона тақвими шакллантирилади ҳамда доимий равишда «Интернет» жаҳон ахборот тармоғи, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар орқали сайёҳлар учун кенг миқёсда тарқатилади.

***

«Travel and Leisure» журнали талқини бўйича, Ўзбекистон 2017 йил якунларига кўра Канада, Франция, АҚШ, Буюк Британия, Финляндия ва Мальдив ороллари билан бир қаторда «Сайёҳлар учун энг жозибадор мамлакатлар» сафидан жой олди. **Шунингдек, АҚШ ва Ўзбекистон «Туризм учун энг яхши жой» деб топилди.**

***

Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган навбатдаги «Адлия ахбороти» брифингида ўтиб бораётган ҳафта давомида Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган **14 та фармон ва қарорлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари вакилларига батафсил маълумот берилди.**

Шунингдек, вазирлик томонидан ногирон ва ижтимоий муҳофазага муҳтож аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил қилинган «Биз биргамиз» акцияси тўғрисида тўхталиб ўтилди.

***

Эндиликда абитуриентлар Тошкент давлат юридик университетига **ўқишга кириш учун ҳужжатларни Давлат хизматлари марказлари орқали топширишлари мумкин.**

Бу имконият 14 та — Тошкент шаҳрининг Миробод тумани, Наманган, Нукус, Андижон, Термиз, Коғон, Зарафшон, Шаҳрисабз, Қўқон шаҳарлари, Дўстлик, Пастдарғом, Сирдарё, Чирчиқ, Хонқа туманлари Давлат хизматлари марказларида тажриба тариқасида жорий этилади.

***

Россия алоқа вазирлиги почта соҳасида узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида фаолият юритган **Евгений Биргер** «Ўзбекистон почтаси» АЖ жамоасига янги бош директор сифатида таништирилди.

***

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари комплексининг раҳбари **Каҳрамон Акмалов** бошқа ишга ўтиши муносабати билан ўз лавозимидан озод этилди.

2 ▸

**Ҳозирги кунда айрим иш берувчиларнинг меҳнат қонунчилиги талабларини етарлича тушунмагани ёки тушунишни истамаётгани, айрим ҳолатларда эса қонунга беписандларча муносабатда бўлиши натижасида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилиши, ишдан ноҳақ бўшатилиши, интизомий жазо чораларининг нотўғри қўлланиш ҳолатлари учраб турибди.**

**Касаба уюшма аралашуви билан...**

# Қонунни билмаслик имтиёз бермайди

Масалан, «Муборак пахта тозалаш» акциядорлик жамияти ходими Фарҳод Аннамуродов, «Микрокредитбанк» Қашқадарё вилояти филиали ходими Гўзал Муродова, Касби туманидаги 19-умумий ўрта таълими мактаби фарроши Иноят Шамсиева, «Муборакнефтгазсувтаъминот» унитар корхонаси ходими Кристина Сайиткулова билан тузилган меҳнат шартномалари иш берувчилар томонидан ғайриқонуний тарзда бекор қилинган.

Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассисларининг аралашуви, қонун бузилиши юзасидан иш берувчиларга тақдимномалар киритилиши ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилиши орқали улар аввалги иш ўринларига қайта тикланди.

Бундан ташқари, юридик бўлимимизга касаба уюшма аъзоларининг иш ҳақлари, таътил пуллари, меҳнатга қобилиятсизлик даври учун тўланадиган пуллар кечиктирилгани юзасидан ҳам мурожаатлар билдирилмоқда. Жумладан, «Қашқадарё пармалаш ишлари» МЧЖ, «Шўртангазкимё» мажмуаси, «Қашқадарё технологик транспорт» бўлинмаси, «Толлимаржон ИЭС» қурилиш шўъба корхонаси, «Сувоқава» бошқармаси Муборак филиали, «Қашқадарё электр тармоқлари» АЖ каби корхона ва ташкилотларда бундай ҳолатлар аниқланиб, касаба уюшма аъзоларига 76 миллион 838 минг сўм маблағ ундириб берилди.

Қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти шуни кўрсатадики, талайгина ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳолатлари ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқий маданият даражаси пастлиги оқибатида юзага келади. Айнан шу сабабли, ҳуқуқлари бузилган фуқаролар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчиликда назарда тутилган механизмидан, шу жумладан, мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари ва ҳаракатсизликлари устидан судга шикоят қилиш имкониятларидан камдан-кам фойдаланади.

Шуларни инобатга олиб, Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг фармойишига мувофиқ бўлимимиз томонидан вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари кесимида «Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун, Меҳнат кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида, шунингдек, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун моҳиятига бағишлаб ходимлар, раҳбар-у мутахассислар иштирокида ўқув семинарлари ташкил этилаётир.

Бундан ташқари, касаба уюшма ташкилотларига ҳуқуқий мавзуда амалий ёрдам кўрсатилиб, иш берувчи ва ходимларга меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқлари тушунтириб борилмоқда.

**Шамсиддин САТТОРОВ,**
Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири

**Менда таклиф бор...**

Лангар сув ирмоғининг қуйисида жойлашган қишлоғимизда «Бобуртепа» деб аталадиган тепалик ва «Ўғлонжон ота» қабристони бор.

## Ривоятми ёки ҳақиқат?

Айтишларича, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонга кетиш чоғида шу ерда маълум муддат қўним топган. «Бобуртепа» деб аталган тепалик атрофида яна 7 та қўриқлаш миноралари курган. Уларнинг жойи ҳозиргача сақланиб қолган. У даврда бу ерлар «Ҳусор» (ҳозирги Ғузор) деб юритилган. Бу бир ривоят, албатта. Лекин бу ердаги тепалик ёнида қадимда қурилган ер ости йўли мавжуд. Ён-атрофда хар хил сопол буюмлар парчаларини учратиш мумкин. Бу эса ривоят ҳақиқат бўлиб чиқиши мумкинлигидан далолат эмасми?

Шу ўринда илмий жамоатчиликка бир таклиф билдирмоқчиман: тарихчи ва археологлар Ғаллакор қишлоғи ҳудудида жойлашган тепаликларни илмий асосда ўрганиб чиқишса, юртимиз тарихига оид янги саҳифа очилармиди? Ривоят ҳақиқат бўлиб чиқса, не ажаб?!

Хуллас, машҳур қўшиқда айтилганидек, «Бир келиб, кетинг қишлоғимизга!»...

**Муродулла МАМАТОВ,**
Қамаши тумани

# Китоблар оламига саёҳат



◂1

«Китобхонлик маданиятини юксалтириш — буюк мақсадларимизга эришишнинг муҳим кафолатидир» шиори остида бўлиб ўтган тадбирда 100 дан зиёд нашриёт, китоб савдоси ташкилотлари, матбаа корхоналари томонидан турли номдаги адабиётлар намойиши бўлиб ўтди. Шунингдек, нашриётлар томонидан янги чиққан китоблар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

— 320 дан ортиқ турдаги китоб билан қатнашяпмиз, — дейди «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи маркетинг бўлими менежери Мавлон Холиқов. — Нашриётимизда ижтимоий, тарихий, сиёсий йўналишдаги 550 дан ортиқ номдаги китоб мавжуд.

Турли асарлар тақдимоти, ижодий учрашувлар, алоҳида сценарий асосидаги тадбирлар фестивалга кўтаринкилик бахш этди. Шунингдек, республика ёш томошабинлар театри ва республика қўғирчоқ театрининг чиқишлари, Ёшлар симфоник оркестри концерт дастури иштирокчиларда ўзгача таассурот қолдирди.

— Маърифатга ошно бўлиш, маънавиятга ташналик китобдан бошланади, — дейди филология фанлари номзоди Раҳимбой Жуманиёзов. — Оламни, одамни англаш китобга жо бўлган экан, ташкил этилаётган бундай тадбирлар ёш-у қарини китобхонликка даъват этиш, оммада ҳамжиҳатлик руҳини уйғотишга замин яратади.

Дарҳақиқат, китобнинг жамиятимиз маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрнини янада ошириш, буюк аждодларимизнинг ёрқин хотирасини, замонамиз қаҳрамонлари тимсолини ҳаққоний ва халқчил акс эттирувчи адабиётлар салмоғини оширишда адиб ва ноширларни қўллаб-қувватлаш мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳисобланади. Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, интеллектуал ривожланган, жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб вояга етказишда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада юксалтириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишда бу каби тадбирларнинг ўрни катта.

Фестиваль якунида «Энг фаол иштирокчи», «Энг яхши стенд» номинациялари, «Энг яхши китобхон оила», «Энг яхши китобхон», «Ёш китобхон» совринли викторина ғолиблари ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Озода РЎЗИҚУЛОВА,**
«Ishonch» мухбири.
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

**Юртимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш каби хайрли ишлар янада кенг қулоч ёймоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эзгу ишларнинг ёрқин ифодасидир.**

**Ғамхўрлик**

# Хайрли ишлар бардавом



Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан жамиятимизнинг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва маиший шароитларини яхшилаш, оғирини енгил қилиш, соғлигини мустаҳкамлашга эҳтиёжи бўлган оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида кўплаб тадбирлар амалга оширилаётир.

Бағдод тумани «Иттифоқ» МФЙда яшовчи 12 ёшли Мадина Жумақўзиева туғма юрак пороги билан туғилган. Бу касаллик унинг соғлом ҳаёт кечириши, тенгдошлари сингари мактабга бориши, илм олишига тўсқинлик қилаётган эди. Давлатимиз раҳбари томонидан кўмакка муҳтож инсонларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан Мадина ҳам баҳраманд бўлди. У яқинда Тошкент педиатрия тиббиёт институти шифохонасида даволаниб, тиббий муолажалар олиб қайтди.

— Қизим доимий тиббий муолажаларга муҳтож. Даволаниш эса ўз-ўзидан бўлмайди, барчаси маблағ талаб этади. Яшириб нима қиламан, сўнгги пайтларда фарзандимнинг дориларини сотиб олишга қўлимиз калталик қилиб қолганди, — дейди Мадинанинг отаси Мурожон Жумақўзиев. — Муаммога ечим тополмай турган пайтимизда касаба уюшма фаоллари уйимизга келиб ҳол сўраб, Президентимиз қарорига кўра қизимнинг даволанишига кўмак кўрсатилишини айтишди. Бу оиламиз учун қувончли воқеа бўлди. Шундан сўнг қизим пойтахтда даволаниб келди. Ҳозир у аввалгига нисбатан ўзини яхши ҳис этмоқда. Бундай ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлашдан кўнглимиз тоғдай кўтарилди. Биз каби инсонларнинг оғирини енгил қилишга барчани бирдек сафарбар этаётган давлатимиз раҳбарига, қолаверса, бу ишларни амалга оширишда ўзининг ҳиссасини қўшаётган касаба уюшмаларига миннатдорлик билдираман.

Бундай эзгу ишларга Бағдод туманининг «Тувадоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Тўлқинжон Обидов мисолида ҳам гувоҳ бўлиш мумкин.

— Икки йилдан буён республика онкология марказида даволаниб келаман, — дейди Т.Обидов. — Унга кетаётган маблағ оиламиз бюджетига таъсир ўтказа бошлади. Натижада, энг зарур бўлган дориларни сотиб олишга имкониятимиз етмай қолди. Шукурки, касаба уюшмаларининг жонкуяр, фидойи ходимлари бор экан. Улар оиламиз аҳволини ўрганиб, саломатлигимни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган барча дори-дармон воситаларини бепул топширишди. Бунинг учун мана шундай хайрли ишларга бош-қош бўлаётган инсонларга раҳмат, дейман.

Фарғона шаҳар, «Баркамол» МФЙ, Янги аср кўчасида яшовчи Феруза Юнусова жигар циррози хасталигига чалинган беморлардан. У давлатимиз томонидан кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик боис Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида даволанди. Бу хайрли ишлардан унинг қувончи чексиз.

— Бу мен учун унутилмас воқеа бўлди, — дейди Ф.Юнусова. — Меҳр-мурувватнинг бундай юксак ифодаси учун давлатимиздан, саховатли инсонлардан миннатдорман. Касаба уюшмаларининг кўмаги билан барча қулайликларга эга бўлган шифохонада даволаниб, тиббий муолажалар олдим. Кўриб турганингиздек, аҳволим дуруст. Тилагим, меҳр-оқибат ҳамиша бор бўлсин.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда инсон манфаати, унинг қадр-қиммати, бахт-саодати ҳамма нарсадан устун экани амалда намоён бўлмоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига кўмак бериш, муаммоларини ҳал этиш савоб ишларнинг энг улуғи ҳисобланади. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар замирида ҳам ана шундай эзгу ишлар кўзда тутилгани бежиз эмас.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
«Ishonch» мухбири

**Божхона хабарлари**



## Олтин планшет

«Тошкент» халқаро аэропорти йўловчиларидан бири тилла қуймаларни яширинча олиб чиқишнинг навбатдаги қинғир усулини «кашф» қилди. Фуқаро Н.Ш. божхона ходимларининг кўзини шамғалат қилиб, пойабзалларининг остки қисмида 79 гр. оғирликдаги тиллани яширинча мамлакатимиздан олиб чиқиб кетишга уринган. Шунингдек, унга тегишли юклар синчиклаб кўздан кечирилганда, фуқаронинг планшети ичига жуда юпқа қилиб ишланган 215,8 гр. оғирликдаги қуйма тилла яширилгани аниқланди.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан текширувлар олиб борилмоқда.

**Ҳусен ТАНГРИЕВ,**
Давлат божхона қўмитаси Ахборот хизмати катта инспектори

# КУН НАФАСИ

◂1

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Матёқуб Матчонов** Ўзбекистон Киноарбоблари ижодий уюшмасига раис этиб тайинланди.

***

**Шодиёр Маматкулов** Мактабгача таълим вазирининг молиявий масалалар бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

***

Зарафшон шаҳар ҳокими **Муҳиддин Бозоров** Навоий шаҳар ҳокими лавозимига тайинланди.

***

**Барно Исломова** Тошкент шаҳар Мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

***

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармасига **Азамжон Ризашов** янги бошқарувчи этиб тайинланди.

***

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Обид Асомов** «Мультипликацион фильмлар студияси» ДУКга директор лавозимига тайинланди.

***

Халқ депутатлари Баликчи туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида шу вақтгача вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи сифатида ишлаб келган **Жасурбек Абдурайимов туманнинг янги ҳокими этиб тайинланди.**

***

Ўзбекистон «Rowing and Canoe» байдарка ва каноэда эшкак эшиш федерациясининг навбатдан ташқари конференциясида **Худоёр Аҳмедов** мазкур федерациянинг президентлигига сайланди.

***

Тошкент шаҳрида **пиёдалар светофорларини тескари саноқ таймерига эга светофорларга алмаштириш лойиҳаси бошланди.** Дастлабки олтита светофор пойтахт марказидаги Зарафшон ва Матбуотчилар кўчалари кесишмасига ўрнатилди.

***

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларини олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш мақсадида тавсияномалар бериш бўйича республика комиссияси низомига мувофиқ ташкилотнинг **14 нафар фаоли олий таълим муассасасига давлат гранти асосида ўқишга кириш имконини қўлга киритди.**

***

«Huawei» компанияси Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) билан биргаликда «Келажак ниҳоллари» йиллик лойиҳаси иштирокчиларини тақдирлаш маросимини ўтказди. Лойиҳа ғолиби бўлган университетнинг **10 нафар талабаси амалий тажрибага эга бўлиш учун Хитойга юборилади.**

***

Европа инвестиция банки (ЕИБ) «Жиззах» эркин иқтисодий зонасида қурилиши давом этаётган **«Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive» заводига 60 миллион евро сармоя киритишни маълум қилди.**

***

Тез кунда Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи (собиқ Тельман парки) ўрнида **«Central Park» очилади.**

***

2018/2019 янги ўқув йилидан эътиборан Ўзбекистон ўқувчилари ягона стандартда ва бир неча намунада ишлаб чиқилган **мактаб формаларига ўтади.**

Мактаб формалари 1-4, 5-8 ва 9-11 синф ўқувчилари учун алоҳида-алоҳида шаклда 3 ёш тоифаси бўйича ишлаб чиқарилади.

***

Қозоғистон **ўзбекистонлик абитуриентлар учун 10 мингта грант ажратган.**

Қайд этилишича, улар Қозоғистоннинг 30 та олий ўқув юртида иқтисодий, техник, тиббий ва гуманитар йўналишларда имтиёзли равишда таҳсил олиши мумкин бўлади.

***

Наманган вилоятида ўтказилган тақдимот маросимида вилоятда **«Hyundai» юк автомобиллари ва автобусларни йиғиш заводи»** қуриш лойиҳаси тўғрисида маълумот берилди.

Лойиҳага кўра, корхонада сиғими 1 тоннадан 50 тоннагача юк кўтариш қувватига эга бўлган юк автомобиллари ҳамда шаҳар ичи, шаҳарлараро ҳамда сайёҳлик хизматига мўлжалланган автобуслар ва махсус транспорт воситалари йиғиш ишлари бажарилади.

***

Кейинги ярим йил ичида **1500 кишига Ўзбекистон фуқаролиги берилган.**

***

«Nordwind Airlines» авиакомпанияси **1 июндан «Тошкент — Қозон» рейсини очмоқда.**

***

АҚШ президенти Дональд Трамп тўсатдан шу йил 12 июнь куни Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ин билан **Сингапурда бўлиб ўтадиган учрашувини бекор қилди.**

***

**Ҳиндистонда «Nipah» вируси инсонлар ҳаётига хавф солмоқда.** Май ойи бошидан бери Керала вилоятида тарқалган ушбу вирус 10 кишининг ҳаётига зомин бўлган, 94 киши эса карантинга олинган.

ЖССТ томонидан «Ebola» ва «Zika» каби энг хавфли саккизта касаллик рўйхатига киритилган мазкур вирус кўршапалак ва чўчқалардан ўтгани маълум бўлди.

**Интернет нашрлари ҳамда ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.**

## Нурафшон бўлаётган қишлоқлар

◂1

«Янги диёр» маҳалласи Халқобод қўрғонидан Хушмон қишлоғигача бўлган катта ҳудудни ўз ичига олган.

— Маҳалламизда 725 та хонадон, 1098 та оила, 4315 нафар аҳоли яшайди, — дейди МФЙ раиси Юсуф Шойматов. — Ҳозирда 365 ўринли умумтаълим ўрта мактаби ва 2 та мактабгача таълим муассасаси замон талаблари даражасида таъмирланмоқда. Ҳудудимиз катта бўлса-да, ҳамма кўчаларимиз «Намунали» деган ягона ном билан атаб келинаётган эди. Эндиликда ҳар бир кўчани янгидан номлаяпмиз. Бу ердаги 2 та икки қаватли уйда салкам 30 йилдан буён одамлар ноқонуний яшаб келмоқда. Жамоатчилик гуруҳи аъзоларининг кўмагида 38 та оиланинг уй-жой ҳужжатлари қонуний расмийлаштирилди. Туман бандликка кўмаклашиш маркази билан биргаликда ишсиз юрган фуқароларнинг 25 нафарини жамоатчилик асосида ишга қабул қилдик. Яна фуқаролик паспорти бўлмаган 20 нафар фуқарога паспорт олиши учун амалий ёрдам бердик. Ҳудуддаги бозор, ҳар хил савдо дўконлари, маиший хизмат шохобчалари ўрнига замонавий савдо мажмуаси барпо этилади.

4164 нафар аҳоли истиқомат қилувчи «Юртим жамоли» маҳалласида эса ўзбошимчалик билан қурилган қинғир-қийшиқ девор ва иморатлар жуда кўп эди. Бу ердаги 4 та 2 қаватли турар жой биносининг ҳеч қаерда ҳисобда йўқлиги

# Чирой очаётган «Сарҳад»

шу вақтга қадар ҳеч кимни қизиқтирмаган. Ҳозир 3 та қурилиш ташкилоти таъмирталаб аҳволга келган биноларнинг томини шиферламоқда. Муҳими, бинолар атрофида ноқонуний қурилган девор ва иморатларнинг олиб ташлангани туфайли ҳудуд ораста кўриниш касб этган.

Жартепа қишлоғида ҳам 2 та икки қаватли уйда таъмирлаш ишлари авжида. Кўчалардаги ноқонуний девор ва дўконларни бузиш, тўсиқларни олиб ташлаш, тозалаш ишлари билан юзлаб одамлар шуғулланмоқда. Симёғоч ўрнига темир-бетон устунлар ўрнатилиб, уларга изоляцияланган сим тортиляпти. Кўчанинг охирида жойлашган икки қаватли иккита бино атрофидаги ноқонуний қурилмалар бузиб ташланган. Қурувчилар таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари билан банд.

— Илгари хонадонимизга шамол тегмасди. Ортиқча даҳмазалар олиб ташлангач, уйимиз баҳаво бўлиб қолди, — дейди шу ерлик А.Темиров.

«Ат-Термизий» маҳалласида амалга оширилаётган ишлар ҳам бундан кам эмас. Ноқонуний қурилган уйлар, девор ва дўконларни бузишга аҳолининг ўзи кўмаклашмоқда. Бу ишлар эл ободлиги, юрт равнақи, болалар келажаги учун қилинаётганини англаб етган фуқаролар ҳашардан ўзини четга тортгани йўқ. Қолаверса, 491 та хонадон, 710 та оила, 3017 нафар аҳоли яшовчи маҳаллада 19 та кам таъминланган оила бўлиб, уларга маҳалла аҳли ва туман ҳокимлиги томонидан ҳар томонлама кўмак бериб келинмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, массивдаги ободончилик ишларини жадаллаштириш учун бошқарув штаби ташкил этилган ва кўчма тиббиёт хонаси, газ ва сув таъминоти, энергетика, давлат хизматлари агентлиги, архитектура ва кадастр хизматлари йўлга қўйилган бўлиб, навбатчилик асосида туну кун фуқароларга ёрдам кўрсатилмоқда.

Аҳолининг уй-жойини таъмирлаш, қуриш учун имтиёзли нархда 50 тоннадан ортиқ цемент, 1000 дона шифер, 10 тоннадан ортиқ кўмир ва етарлича бўёқ ажратилди. Аҳолига блок ғишт, 200 кубдан ортиқ шағал ва қум бепул тарқатилди. Чиқиндиларни ташиш учун махсус техникалар жалб қилинган. Штабда ташкил этилган тиббиёт хонасида аҳоли тўлиқ бепул тиббий кўрикдан ўтказилаётир. УТТ, ЭКГ, флюорография, лаборатория текшируви натижасига кўра фуқароларга даволаниш учун йўлланма ва зарурий маслаҳатлар берилмоқда. Бу ерда 14 нафар шифокор, 30 нафардан ортиқ ҳамшира халқ хизматида.

«Обод қишлоқ» дастурига биноан ҳар учала маҳалладаги аҳоли суюлтирилган газ баллонлари билан тўлиқ таъминланди. «Юртим жамоли» маҳалласидаги сув миноралари қайта таъмирланди. «Янги диёр» маҳалласидаги 4 та кўп қаватли уйнинг электр кабеллари ва сув қувурлари янгиланди. «Юртим жамоли» ва «Ат-Термизий» маҳаллаларидаги эски симёғочлар янгисига алмаштирилди. 1,2 километрлик очиқ симлар ўрнига ёпиқ кабеллар тортилди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, «Обод қишлоқ» дастури бўйича «Сарҳад» массивида жойлашган 3 та маҳаллада 32 километрлик ички йўллар, 25 километрлик ичимлик сув қувури, 55 километрлик очиқ кабель ва симёғочлар алмаштирилмоқда. Бундан ташқари, 4 та умумтаълим мактаби, 4 та мактабгача таълим муассасаси, касб-ҳунар коллежи, қишлоқ оилавий поликлиникаси, савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва бозор қурилишлари жадал суръатда амалга оширилмоқда. Тез орада ушбу маҳаллалардаги аҳоли турмуш шароити, ободлик, замонавий иморатлар, кенг ва равон кўчаларни кўрган киши ҳудудни таниёлмай қолиши тайин.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
Ishonch» мухбири

## Гирдиқўрғон — ҳақиқий қўрғон

**Гирдиқўрғон яқин-яқингача Нуробод туманидаги чекка ҳудудда жойлашган шароити оғир қишлоқ эди. Қишлоғимиз кўз очиб-юмгунча шаҳарчага, яъни ҳақиқий қўрғонга айланди деса, кўпчилик ишонмайди. Аммо бу ҳақиқат. Ўтган икки ой ичида қишлоғимиздаги 469 та хонадон уйлари ҳомийлар томонидан таъмирдан чиқарилди. Айни кунларда 194 та уйни таъмирлаш ишлари жадал суръатда амалга оширилаётир.**

Яширишга не ҳожат. Илгари ҳовлида бир туп дарахтни кўкартириш машаққат эди. Ариқ сувини-ку қўя турайлик, тоза ичимлик суви ҳам етишмасди. Энди қишлоғимизда сув муаммоси йўқ. 18 километрлик ичимлик суви тармоғи тортилиб, 2 та сув иншооти таъмирланди. Яна битта янги сув иншооти қурилди. Бугунги кунда 232 та хонадонда бир сотихлик иссиқхоналар учун хандаклар қазилди. Туман «Томорқа хизмати» МЧЖ кўмаги ва банкнинг имтиёзли кредити асосида 21 та иссиқхонанинг усти ёпилиб, томчилатиб суғориш ускуналари ўрнатилди. Тез орада уларнинг ҳосилидан баҳраманд бўламиз.

Қишлоғимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳудудда яшовчи 20 минг нафардан ортиқ аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий текширувлар натижасига кўра 7 ярим минг нафарга яқин кишида турли яширин дардлар борлиги аниқланди. Уларнинг барчасини даволаш чоралари кўрилаяпти. Ўн нафар кексага касаба уюшмалари томонидан сиҳатгоҳ йўлланмалари топширилди.

Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларнинг аҳволи ўрганилиб, муаммолари ҳал этилаётир. Масалан, ҳамқишлоғим Дилбар Шомирзаева хонадонига бир бош соғин сигир, иккинчи гуруҳ ногирони Дилафрўз Раҳматовага замонавий тикув машинаси олиб берилди. Бундай ижтимоий кўмак кўлами анча кенг.

Қишлоғимизни ободонлаштиришга 1,5 минг нафарга яқин ҳашарчилар, юзга яқин техника ёрдамга келган. Бугунги кунда ҳаммом, 3 та автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, 4 та озиқ-овқат дўкони, 2 та автобекат қуриб битказилди. Бозор қурилиши тугаш арафасида. Бунёдкорликда ҳамқишлоқларим ҳам фаол иштирок этишаётир.

Президентимизнинг қишлоқларни обод қилиш тўғрисидаги ташаббуси бизни ҳар жиҳатдан руҳлантириб юборди. Ўзим ҳам ҳеч қилмаган бир ишга қўл урдим. Хонадонимизда 250 та товуқ парваришлашни йўлга қўйдик. Кунига 200-230 та тухум олаяпмиз. Бу 40-50 минг сўм пул дегани. Етти хазинанинг бири хонадонимизга барака олиб кирди. Ишимни яна ривожлантирмоқчиман. Яна 250 та товуқ сотиб олмоқчиман. Болаларим билан келишиб, 200 та бедана парваришлашга ҳам ҳозирлик кўраяпмиз.

Халқимиз бекорга «Қўл югуриги ошга...» демас экан. Ҳаракатимиз натижаси бизни изланишга ундамоқда.

**Ойбек МУРОДОВ**
Самарқанд вилояти







# БОШ МАҚСАД — одамларни рози қилиш

**Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, одамларимиз ҳаётини фаровон қилиш, турмуш сифатини оширишга қаратилган «Обод қишлоқ» дастури амалга оширилмоқда. «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорига асосан бу йил 174 та тумандаги 368 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудлари комплекс равишда янгиланади. Айни пайтда кўплаб қишлоқларда бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда давом этмоқда.**

*Қара тал жағысы, бийдин кемеси,*
*Ғош жигиттин қыздан болар дамеси.*

— «Қизлар уйга кир» номли қорақалпоқ халқ қўшиғи айни бизнинг овулимиз тўғрисида айтилганга ўхшайди, — дейди Беруний туманининг Пахтачи қишлоғида яшовчи М.Қойбақов. — Чунки Хоразм вилоятининг Гурлан тумани билан ён қўшнимиз. Азалдан қиз олиб-қиз бериб, қуда-анда бўлиб кетганмиз. Қўшиққа эътибор беришимнинг сабаби шуки, илгарилари Гурлан тарафдаги кема жоғиш (тураргоҳ) билан Беруний томондаги «Бийбазар» кема жоғиши ўртасида доимий равишда кемалар қатнаб турган. Афсуски, кейинги пайтларда бунга чек қўйилган, икки соҳилдаги ёндош овулдагилар ўртасидаги «борди-келди» алоқалари узилиб қолган эди.

## Номи ўзгарган овул

Пахтачи қишлоғининг «Обод қишлоқ» дастурига киритилгани натижасида қадимий анъаналар яна тикланадиган бўлди. «Гурлан-Бийбазар» йўналишидаги кема қатнови яна йўлга қўйилади. 200 километрлик масофадан айланиб, ота-онаси ва туғишганларини кўришга бориб келадиган келин ва куёвларнинг мушкули енгиллашди.



Ҳозир бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Қишлоқдаги 244 та хонадонда уйларнинг томи шиферланиб, олд қисмлари пардозланди. 28 та хонадонга янги молхона ҳамда ҳожатхона қуриб берилди.

— Мактабимиз таъмирталаб бўлиб қолган эди, — дейди 26-умумий ўрта таълим мактаби директори Б.Рўзимова. — 250 нафардан кўпроқ ўғил-қиз таълим оладиган мактаб таъмирдан чиқарилиб, ишга туширилган кун овул аҳолиси ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолишига ишонаман.

Айни пайтда мактабдаги қурилиш-таъмирлаш ишларига 1 млрд. 710 млн. сўмлик маблағ ажратилиб, ушбу вазифани тез ва сифатли бажариш учун барча имкониятлар сафарбар этилган.



Қишлоқ марказида жойлашган икки қаватли МТМ ўтган асрнинг 90-йилларида қурилган. Айрим «уддабурон»лар 100 ўринга мўлжаллаб бунёд этилган бинони бир неча бор бузиб, қурилишбоп материалларни ўзлаштиришга ҳаракат қилишди. Боғча мудираси Ш.Сайдованинг фидойилиги ва жонбозлиги туфайли айрим чўнтак қаппайтириш илинжида юрганларнинг «режа»лари амалга ошмади.

Бугун ушбу муассаса қайта таъмирланиб, замонавий қиёфада ўзини намоён қилмоқда. Ташқи ва ички таъмирлаш ишларига 600 млн. сўм сарфланган бинодаги хоналар 150 млн. сўмлик ҳар хил жиҳозлар билан таъминланган. Жажжи болажонлар учун барча қулайлик муҳайё этилган. Ошхона, мусиқа зали, мудира, ҳамшира, психолог ва услубчи хоналаридаги жиҳозлар замонавийлиги ва бежиримлиги билан киши эътиборини ўзига тортади.

Бундан ташқари, қишлоқда 7,3 километр ички йўлларга қум-шағал аралашмаси ётқизилиб, 1,7 километрлик масофадаги кўчаларга тунги ёритқичлар ўрнатилди. Янги электр тармоқлари тортилиб, эски симёғочлар янги темир-бетон устунлар билан алмаштирилди. Эндиликда аҳолининг электр энергияси таъминотидан норозилиги йўқ.

— Овулимиздаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари мени ҳам илҳомлантириб юборди, — дейди Валентин Хадиуллин. — Катта ўғлим Рустамбек учун янги иморат бошлаб қўйдим. Олти хонали уйда набираларим яйраб яшасин-да.

Валентин Николаевич қишлоқда янгидан қурилган юзта иссиқхона соҳибларидан бири. У томорқасига бошқа экинлар билан бирга картошка ҳам эккан. Ўзига хос усулда парваришлаётган экинларидан юқори ҳосил олишни кўзлаган.

Овулда ижтимоий дорихонанинг қуриб битказилиши одамларни 40 километр олисдаги туман марказига бориб келиш машаққатидан халос этди. Аҳоли учун керакли бўлган дори-дармонларни шу ерда топиш мумкин. Қишлоқда кичик футбол майдончаси, сартарошхона, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қурилиши ҳам якунланиш арафасида. Овулдаги барча хонадонлар суюлтирилган газ баллонлари билан таъминланган. Бу ердан 2 километрлик узоқликдаги коллектор ва «Совхимярғон» каналининг 2,1 километрини тозалаш ҳамда 4,6 километрлик янги қисмини қазиш ишлари якунланди.

Хуллас, қишлоқда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётир. Пахтачининг бугунги қиёфасини кўриб, овулга кўчиб келиш истагини билдираётганлар ҳам бор.

— Қишлоғимизда амалга оширилган бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари барчамизни мамнун этди, — дейди «Бийбазар» ОФЙ раиси Комилжон Ҳайитбоев. — Бугун уни кўпчилик «Обод қишлоқ» деб атамоқда.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
«Ishonch» мухбири

## Ободликдан кўнгил чароғон

**Жиззах вилоятидаги 24 та қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Шу мақсадда давлат бюджетидан 340 миллиард 358 миллион сўм маблағ ажратилди.**



Пахтакор туманидаги Мингчинор ва Буюк ипак йўли қишлоғидаги аксарият уй-жойлар ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида барпо этилган. Эътиборсизлик, қаровсизлик ва бошқа сабаблар туфайли бугун бу қишлоқлардаги турар жой бинолари аянчли ҳолга келиб қолган.

7152 нафар аҳоли истиқомат қиладиган Мингчинор қишлоғида ишлар авжида. 14 та икки қаватли уй атрофидаги 300 дан ортиқ ноқонуний қурилишлар бартараф этилди. Ҳудудда 3,9 километр узунликдаги 10 та кўча таъмирланди. Кўп қаватли уй-жойларнинг том қисмини таъмирлаш, ташқи ёритиш тизимини янгилаш, айвонли тандирхоналар қуриш, йўлакларга темир эшиклар ўрнатиш каби таъмирлаш ишлари босқичма-босқич равишда амалга оширилмоқда. Тез орада бу ердаги мактабгача таълим муассасаси, иккита умумтаълим мактаби, маданият уйи, қишлоқ врачлик пункти янгича қиёфага эга бўлади.

Бундан ташқари, дастур доирасида тўртта трансформатор, олти километрлик электр тармоғини таъмирлаш ва янгидан қуриш, ичимлик суви тармоғини яратиш, канализация тизимини таъмирлаш каби ишларга 13 211,2 миллион сўмлик маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Буюк ипак йўли қишлоғида эса 104 та икки қаватли уй бўлиб, улардаги 496 хонадонда 2480 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳозиргача кўп қаватли уйларнинг иккитасида «Буюк ипак» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан 207 миллион сўмлик иш бажарилди. Иккита ҳожатхона, иккита айвонли тандирхона янгитдан қурилди. Кўп қаватли уй-жойларнинг атрофидаги ноқонуний қурилишлар бузилиб, ўрни ободонлаштирилмоқда.

Масъул ишчи гуруҳлар ҳар бир хонадонда бўлиб, одамларнинг муаммоларини ўрганиб, уларга ечим излаётир.

— Меҳнатобод кўчасидаги 32 та хонадонда бўлиб, уларнинг муаммоларини ўрганиб қайтдим, — дейди Пахтакор тумани солиқ инспекцияси ходими Элмурод Сатторов. — Фуқаро Ф.Насриев 2001 йилда туғилган ногирон фарзандига нафақа тайинланилиши, Б.Пардаев дренажларнинг ишлатилиши, Ў.Айтметов кадастр ҳужжатини расмийлаштириш бўйича амалий ёрдам сўради. Ҳар бир мурожаат тегишлилиги бўйича назоратга олиниб, ижроси таъминланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, туман бандликка кўмаклашиш марказининг ишсиз одамларни ободончилик ва қурилиш ишларига жалб этаётгани кўплаб инсонларни мамнун қилди. Зеро, ҳалол меҳнат ортидан пул топиш, рўзғори ва қишлоғини обод қилиш ҳаммага ҳам ёқимли.

— Ҳозиргача шу қишлоқда яшовчи 362 киши ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди, — дейди марказ мутахассиси Искандар Турсунов. — Уларнинг сафи кун сайин ортиб бормоқда.

Қишлоқдаги 7,5 километр узунликдаги ички йўллар таъмирига 3 150 миллион, 3,5 километрлик ичимлик сув тармоғи, канализация, бешта трансформатор, 9 километрлик электр тармоғини таъмирлаш ва янгидан қуриш ишларига 24 576,5 миллион сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Ҳар икки қишлоқда ҳам бугун эски, пастқам ва кўримсиз бинолар ўрнини янгилари эгалламоқда. Турмушдаги ободлик кўнгилларга кўчаяпти. Қишлоқларнинг қиёфаси билан бирга одамларнинг онг-у шуури, ҳаётга қарашлари ўзгармоқда, орзу-умидлари юксалмоқда. Зеро, «Обод қишлоқ» дастуридан кўзланган бош мақсад ҳам шундан иборат.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
«Ishonch» мухбири

Акс-садо

**Виктор Алимасовнинг «Ishonch» газетасида чоп этилган «Илмга ташналик сўнмасин ёхуд биз қачон кашфиётлар қиламиз?» мақоласи кўпчиликни бефарқ қолдирмайди. Унда илм-фан ривожланиши билан боғлиқ қатор масалалар кўтарилган. Куюнчак муаллиф илм-фанда вужудга келган нохуш аҳволни, унинг баъзи бир сабабларини кўрсатишга ҳаракат қилган.**




Муаммони таҳлил қилар экансиз, қуйидаги саволлар пайдо бўлади: «Биз илмий ва технологик жиҳатдан бошқаларга қарам бўлиб қолаверамизми? Ҳақиқий иқтисодий тараққиётга, фаровонликка эриша оламизми? Бирор соҳада эришган технологик ютуғимизни экспорт қилиб, бошқа соҳаларда сотиб оладиган технологиялар харажатини тўлиқ бўлмаса-да, қисман қоплай оламизми? Ёки фақат қазилма бойликларимиз, оғир машаққат-ла етиштирадиган хомашё, яримфабрикат маҳсулотларини сотиш эвазига яшаймизми?». Агар ижобий жавоб топиб, масалани ҳал қилмасак, йигит-қизларимиз чет элларда гастарбайтер бўлиб, хўрланиб, ҳақорат эшитиб юраверади. Адолатсизликка чидай олмаган айрим ёшларда уларни бундай қисматга дучор қилган сиёсий тизимдан ўч олиш истаги туғилади. Натижада баъзилари четга чиқиб экстремистик-террористик гуруҳларга қўшилиб қолади. Адашган фарзандларимиздан ўзимизни ҳимоя қилиш учун яна «катта оға» излаймизми? Ёки ўзаро рақобат қилувчи геосиёсий кучлар, буюк давлатларнинг «кўнглини» овлашга ҳаракат қиламизми? Савол изидан ундан-да ёқимсиз саволлар чиқаверади! Бу саволларнинг бир учи, истаймизми-йўқми, илмий техника тараққиёти, янги иш ўринлари яратиш истиқболлари, миллий кадрларимиз савияси, умуман, миллий менталитетимиз, унинг айрим заиф жиҳатларига бориб тақалади.

Илм-фан ривожланишидаги баъзи муаммолар яқин совет давридан мерос бўлиб келмоқда. Ўтган асрнинг 20-30-йиллари қолоқ ва қашшоқ, илмий кадрларининг кўпчилиги муҳожирликка кетган совет давлати уларнинг қолганлари ва ёш иқтидорли тадқиқотчиларни янгидан ташкил этилган илмий текшириш институтлари, лабораториялар, конструктор бюроларида тўплади. Асосий маблағлар бу муассасаларга йўналтирилди. Олий ўқув юртлари кафедралари, лабораториялари мураккаб жиҳозларни талаб қиладиган амалий ва экспериментал тадқиқот базаларига эга бўлмай қолди. Уларнинг олдига фақат ўқув мақсадлари қўйилди. Бу, ўз навбатида, олий ўқув юртларининг замонавий ишлаб чиқариш талабларидан ажралиб қолишига олиб келди. Табиийки, уларга деярли ҳеч қандай буюртма берилмади. Олий ўқув юртлари буюртмаларни бажаришга мослашмади.

70-80-йилларда аҳволни ўзгартиришга бўлган уринишлар амалий самара бермади. Чунки совет фанининг пойдевори умуман бошқача бўлиб, ишлаб чиқариш билан боғланмаган эди. Шу сабабдан илмий ғоялар, ишланмалар, тадқиқотлар чоп этилиб, қоғозда қолиб кетаверди. Уларнинг аҳамиятлиларини чет эл компаниялари амалиётга жорий қилиб ёки улар асосида янги технологиялар яратиб, патентлаб қўйрди. Собиқ СССР уларни қайта сотиб олишга мажбур эди. Мураккаб илмий инновацион ишланмалар ва технологияларга, агар ҳарбий ва ноҳарбий мақсадларда баробар қўлланиши мумкин бўлса, «қатъиян махфий» тамғалари босилиб, Ғарб мамлакатларидан фарқли равишда халқ хўжалигига жорий қилинмади, совет маҳсулотлари сифатсизлигича қолаверди.

Ишлаб чиқаришдан узилганлик академик ва маҳкамавий илмий-тадқиқот институтларига салбий таъсир кўрсата бошлади, амалда уларнинг аксарияти давлат бюджетининг боқимандасига айланди. Айниқса, баъзи гуманитар йўналишдаги институтлар. Ижтимоий гуманитар фанларга яна совет тузумининг бошқа камчилиги ҳам хос бўлиб, илмийлик мафкуравийликка бўйсундирилган эди. Бу кўпчилик ҳақиқий истеъдодларнинг илмга интилишини сусайтирди, ўз фанидан қониқмасликка олиб келди. Иқтидорли ёшларнинг касб танлаши, ижтимоий мўлжаллари ўзгарди: улар қисман аниқ фанлар, табиатшунослик, техника фанлари ёки ҳаётда кўпроқ моддий даромад келтирадиган касбларни танлай бошлади. Гуманитар соҳага, 30-50-йиллардан фарқли, 60-80-йилларда иқтидорли ёшлар кам интилди. Улар ўрнини ўртамиёна кишилар тўлдирди. Бундан ташқари, бу даврга келиб илм-фан, олимларнинг жамиятдаги обрў-эътибори аста-секин тушиб кетди.

Илм-фан ривожланиши тўрт омилга боғлиқ: биринчиси — унинг тадқиқотларига ижтимоий буюртма вужудга келиши ва муттасил ўсиб бориши; иккинчиси — илм-фаннинг моддий-техник базаси ва унга етарлича маблағ инвестиция қилиниши; учинчиси — кадрлар тайёрлаш, ҳақиқий истеъдодларни излаб топиш; тўртинчиси — илм-фан вакилларининг жамиятдаги обрў-эътиборини кўтариш.

Мустақиллик йиллари илм-фандаги камчиликларни бартараф этиш учун уни чуқур ислоҳ қилиш лозимлиги аёнлашди. Давлат биринчи навбатда бу борадаги ислоҳотларни илм-фанни ишлаб чиқаришга яқинлаштириш, бозор буюртмаси асосида ишлашга кўчириш, давлат бюджетига боқимандалигини камайтириш деб тушунди. Рақобат ва ижтимоий буюртма ўз-ўзидан илм-фан савияси ўсишини таъминлаши аксиома сифатида қабул қилинди. Лекин илм-фанни ислоҳ қилиш борасида пухта ўйланган ҳаётий концепция яратилмади. Асосий ўзгаришлар сиёсий-ташкилий шаклда ўтказилди. Аниқроғи, ФА институтлари тугатила бошлади, олий ўқув юртлари кафедралари билан бирлаштирилди. Чет эллардагидек илм-фанни турли компаниялар, иқтисодиёт тармоқлари молиялаштиришига, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашувига умид қилинди. Аммо амалда бундай бўлиб чиқмади. Совет даври инерциясини, илм-фаннинг ишлаб чиқаришдан бегоналашганини енгиб ўтиш ўта қийин кечди. Бундан ташқари, на собиқ академик ИТИ, на ОЎЮ кафедраларида халқ хўжалиги буюртмаси бўйича тадқиқот олиб бориш ва фаолиятини тўлиқ шу асосда йўлга қўйишда етарлича тажриба ва тадқиқот базаси бор эди.

Бугун илм-фан соҳасини ислоҳ қилишда йўл қўйилган хатолар тузатилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев фармони билан ЎзФА қатор институтлари қайта тикланди. Илм-фанга ажратиладиган маблағлар кўпайтирилмоқда, олимларни, олий ўқув юрти ўқитувчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, ойлик маошларини ошириш масаласига эътибор қаратилди. Лекин ҳамма масалаларни бирданига ҳал қилиб бўлмайди, албатта. Илм-фанни ислоҳ қилиш концепцияси муттасил чуқурлаштириб, кенгайтириб борилиши зарур. Ҳар бир фан йўналиши ва ҳаттоки ҳар бир фан бўйича қилинажак долзарб ва стратегик ишлар, вазифалар аниқлаб олиниши керак. Чунки фундаментал ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг аксарият қисмини давлат бюджети ўз зиммасига олиши лозим. Лекин амалий-техник фанлар аста-секин бюджетга боқимандаликдан қутулиши, ишлаб чиқариш буюртмалари, жумладан, чет эл компаниялари буюртмалари асосида ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши шарт.

Илм-фан ривожланиши тўрт омилга боғлиқ: биринчиси — унинг тадқиқотларига ижтимоий буюртма вужудга келиши ва муттасил ўсиб бориши; иккинчиси — илм-фаннинг моддий-техник базаси ва унга етарлича маблағ инвестиция қилиниши; учинчиси — кадрлар тайёрлаш, ҳақиқий истеъдодларни излаб топиш; тўртинчиси — илм-фан вакилларининг жамиятдаги обрў-эътиборини кўтариш.

Илмий-текшириш институти махфий лабораторияси эшигини қўриқлайдиган милиционер институт директори, лаборатория мудиридан икки баробар кўп маош олса, қандай иззат-ҳурмат ҳақида гап бўлиши мумкин? Ёки институтнинг ёш ўқувчиси, врачлар, ҳамширалар бирга кўча супурса, чиқинди ташиса, бу касб жозибали бўладими? Яхшиям, Президентимизнинг қатъий талаби билан мажбурий меҳнатга жалб этишнинг барча шаклларига барҳам берилмоқда. 70-йилларда шундай социологик маълумотни ўқиганман: илмий тадқиқот институтларига эга айрим трансмиллий компаниялар бутун жаҳон бўйлаб турли университетларга, жумладан, ривожланаётган мамлакатлар университетларига ўз вакиллари ва экспертларини жўнатиб, истеъдодли талабаларни аниқлаган. Улар билан аввалдан шартнома тузган. Хоҳласа, АҚШга ўқишини кўчирган, барча ўқиш харажатларини бўйнига олган. Битиргандан кейин ўша истеъдодли талаба компания ходимига айланган. Бугун бу амалиётдан дунёнинг етакчи футбол ва бошқа спорт ўйинлари командалари ҳам фойдаланмоқда.

Бизда-чи? Бизда ҳатто истеъдодли талабалар айрим олий ўқув юртларида ўқитувчисининг «тили»ни топмаса, ё зўрға «уч» баҳосини олади, ё йиқилиб, судралиб юради, ўқишдан, ҳар қандай фандан ҳафсаласи пир бўлади. Коррупция олий таълимда кучайиб кетаётгани, уни сиқиб чиқариш қийин кечаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Илм-фанда ойлик-маош масаласи ҳам иккинчи даражали эмас. Ёш олимга яратиладиган тадқиқот шароити бундан-да муҳимроқ. Етарлича ойлик олмаса, тадқиқот ўтказишга шароит бўлмаса, «ақллар» четга кетиб қолади. Мустақилликнинг биринчи йиллари чет элга ўқишга жўнатилган истеъдодли ёшларимиздан бугун неча фоизи юртимизда ишлаб, нималарга эришди-ю неча фоизи чет элларга қайтиб кетиб ёки умуман қолиб, нималарга эришди? Шундай ҳисоб-китоб, статистика борми? Майли, аниқ маълумотлар керак ҳам эмасдир. Шундай аҳвол юз берганини ҳамма билади. Аммо сабоқ чиқардикми? Чиқармоқдамизми? Олий таълимда коррупцион вазият вужудга келишига вазирлик ва тегишли давлат ташкилотлари индамасдан бефарқ қараб турди, нега? Бундан кимлардир манфаатдор бўлган. Кириш имтиҳонларининг ўрнига тест синовларининг жорий этилиши порахўрликнинг бевосита ўқув жараёнига кўчишига, кириш имтиҳонлари даромадларини фандан ўтиш имтиҳонлари даромадлари билан алмаштирилишига сабаб бўлди. Совет даврининг охирги йилларида издан чиққан хаста ўқув тизими тузалишни истамади ва истамаётир. Талабанинг илмсизлиги, ўзлаштирмаслиги, машғулотларга қатнашмаслигидан бир гуруҳ ўқитувчилар манфаатдор, чунки бундай талаба «сессияни текин ёпмайди».

Технологияларни ўзимизда ривожлантирмасдан маҳсулотларни четдан олиб келишдан манфаатдор давлат ва кредит ташкилотлари, турли лавозимдаги амалдорлар йўқ дейсизми? Юксак технологияларни-ку қўя турайлик. Нега оддий истеъмол товарларини ишлаб чиқаришда сезиларли ўзгаришлар йўқ? Чунки марказий таъминотчи бозор билан ҳудудий, маҳаллий бозорлар нархи орасида фарқ бўлса, жойларда ишлаб чиқариш ривожланмайди. Тўғрида, нима қиласиз бошингизни оғритиб корхона қуриб, маблағ, технология ва хомашё излаб, ишчиларни ёллаб, уларни технологияларни ўзлаштиришга ўргатиб? Яхшиси, Тошкент «отчопари»дан истаганча маҳсулот келтириб, 30-40 фоиз устама қўйиб сотаверинг, бойийсиз, ташвиши ҳам камроқ. Айнан шу ҳол янги иш ўринлари, кичик ва ўрта корхоналар яратилишининг ашаддий душманидир. Мазкур қонуниятни бундан 90 йил аввал машҳур иқтисодчи Кейнс очган эди. Буни иқтисодчи олимларимиз билмайдими? Билса, нега ҳукуматни огоҳлантирмайди? Биз қачонгача топган валютамизни технологиялар, ишлаб чиқаришга эмас, хорижнинг сифати паст, арзон маҳсулотларини харид қилишга сарфлаймиз, амалда чет мамлакатнинг ушбу соҳасини ривожлантирамиз.

Мактаб таълимида коррупция бошқачароқ — яширин шаклда тобора илдиз отмоқда. Ўқитувчилар дарсларини юзаки, хўжакўрсинга ўтади. Айниқса, юқори синфларда. «Болангиз яхши ўзлаштириши учун репетиторга қатнасин» дея, 5-синфдан ота-оналарга тазйиқ ўтказила бошланади. Табиийки, кўчада репетитор тўлиб-тошиб ётгани йўқ. Репетиторликни ўша ўқитувчининг ўзи зиммасига олади. Бу яширин шаклда давлатнинг бепул таълимини пуллик таълимга айлантириш, «Таълим тўғрисида»ги қонунни қўпол равишда бузиш эмасми?

Мактаб таълимида коррупция бошқачароқ — яширин шаклда тобора илдиз отмоқда. Ўқитувчилар дарсларини юзаки, хўжакўрсинга ўтади. Айниқса, юқори синфларда. «Болангиз яхши ўзлаштириши учун репетиторга қатнасин» дея, 5-синфдан ота-оналарга тазйиқ ўтказила бошланади. Табиийки, кўчада репетитор тўлиб-тошиб ётгани йўқ. Репетиторликни ўша ўқитувчининг ўзи зиммасига олади. Бу яширин шаклда давлатнинг бепул таълимини пулли таълимга айлантириш, «Таълим тўғрисида»ги қонунни қўпол равишда бузиш эмасми?

Олий мактабда ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар ва умумтаълим фанлари сонини ҳамда номенклатурасини қисқартириш, мутахассислик фанлари соатларини кўпайтириш тўғри. Аммо қайси фанлар қолиши керак деган масала баҳсли. Олий математикани нега бўлажак тарихчи ёки тил-адабиёт, чет тили, мусиқа ва жисмоний тарбия ўқитувчиси ўрганиши лозим? Ҳаттоки ахборот технологияларини бўлажак талаба ўрта мактабда ўзлаштириб келиши, олий мактабда фақат дастурлаштириш бўйича билимини такомиллаштириши керак. Ижтимоий фанлардан учта фан: фалсафа, иқтисодиёт назарияси ва маънавиятшунослик ўқитилса, кифоя. Лекин фалсафа доирасида политология (сиёсатшунослик) ва социология, маънавиятшунослик доирасида этика, эстетика, диншунослик, иқтисодиёт назарияси доирасида меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий муҳофаза бўйича билим берилиши лозим. Бунинг учун принципиал янги ўқув дастурлари ва дарсликлари яратилиши керак.

Конституция ва ҳуқуқнинг турли йўналишлари асосларини ўқитиш ўрта мактабга кўчирилиши мақсадга мувофиқ. Чет элларда умумий ўрта мактаб таълими ўн икки йиллик. Балки бизда ҳам ўрта мактабларни ўн бир йиллик эмас ўн икки йилликка ўтказиш керакдир... Шунда олий таълимни кўп қўшимча фанлардан халос қилиш баробарида мактабни тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларимизга кўпроқ билим берган бўлардик.

Бошқа бир муаммо. Биз янги саноат инқилоби арафасида, ҳатто бошланишида яшаяпмиз. Бу муштараклашган ахборот технологиялари ва «сунъий» интеллектнинг барча соҳага кириб боришидир. Масалан, беморнинг буйраги ёки ишдан чиққан бирор аъзосини тиклашнинг иложи бўлмаса, у донор органи билан алмаштирилади. Трансплантация, аслида ўзга аъзони ўтказишни билдиради. Ҳозир эса инсоннинг ғаровли ҳужайрасидан «қурилиш ашёси» тайёрлаб 3D принтерлари ёрдамида, ишдан чиққан аъзонинг мутлақ нусхасини яратиш мумкин. Инсон танасининг фалаж бўлган аъзоларини ишлатишда нанотехнологиялар, «сунъий» интеллект истиқболларидан фойдаланиш устида тадқиқотлар кетмоқда. Ҳайдовчисиз машиналар, автобуслар, электропоездлар, метролар бугун синовдан ўтмоқда. Бошланаётган янги саноат инқилоби ўрта мактаб ва олий таълим ўқув режаларини тубдан янгилашни тақозо этмоқда. Бўлажак жарроҳ-трансплантолог тиббиётга оид фанлар қаторида АКТ ва сунъий интеллектга оид фанларни, 3D принтерида ишлаш технологияларини мукаммал ўзлаштириши лозим.

Ким бугун мактаб ва олий таълим ўқув режалари, дастурларини бошланаётган янги саноат инқилобига мослаштириш устида ўйлаётир? Ахир, эртага кеч бўлади!

Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилгани илмий тадқиқотларни янги поғонага кўтаришидан умид қиламиз. Ёш тадқиқотчилар ғояларини ўрганиш, ишланмаларини синаб кўриш, амалиётга жорий қилиш мақсадида янги вазирлик таркибида махсус бўлим ва жамғарма ташкил этилишидан ташқари Ёшлар иттифоқи, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳузурида ҳам махсус тузилмалар бўлиши мақсадга мувофиқ. Улар реал маблағга ва имкониятга эга бўлса, фойда келтиради. Собиқ иттифоқ даврида Ёш техниклар станцияси, Ёш натуралистлар (табиатшунослар) станциялари бўларди. Ёш техниклар станциясида алоқа, радиосозлик, авиамоделчилар тўгараги, машинасозлик, кемасозлик тўгараклари бўларди. Бугун уларни қайта тиклаш зарур. Ёшлар иттифоқи ҳузурида эса ёш талабалар ва конструкторлар учун махсус конструкторлик цехи ташкил этиш керак. Истаган ёш изланувчи, конструктор ўз ғоясини ҳимоя қилгандан кейин унинг намунасини яратиш имконига эга бўлсин.

***Хуллас, олдимизда турган масалаларга тубдан янгича ёндашиш зарур. Косметик ислоҳотлар билан ишни ўнглаб бўлмайди. Таълимнинг барча бўғинлари, ФА, маҳкамавий тармоқ ИТИ, инновацион сиёсат, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган фаолият муштаракликда, биргаликда ислоҳ қилиниши лозим.***

**Абдураҳим ЭРКАЕВ,**
Қарши давлат университети профессори

**ТАҲРИРИЯТДАН:** *Бир олимнинг чиқишига бошқа бир олимнинг куюнчаклик билан муносабат билдириши бизни мамнун қилди. Дарвоқе, муаллиф муаммоларни кескин қўймоқда. Ҳақиқат эса баҳс ва мунозаралар замирида туғилади. Биз фикр-мулоҳазалар учун минбар беришга ҳамиша тайёрмиз.*

Реклама ва эълонлар

**«Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига «OLMMIDINXOJI MADRAXIMOV» МЧ МТПнинг 24.05.2018 йилдаги 02-сонли буюртма хатига асосан, Фарғона вилояти, Қува тумани, «Сойгузар» ҚФЙ, Гумхона қишлоғида жойлашган қурилиш ости майдони — 738,92 кв.м бўлган автогараж бино ва иншоотлари қўйилмоқда.. Бошланғич баҳоси- 45 292 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йилнинг 26 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2018 йил 22 июнь соат 17:00.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиалининг «Трастбанк» Фарғона филиалидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: Х/Р: 2020 8000 3004 3360 1012. МФО: 01123, СТИР: 303 179 580. Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдода қатнашиш учун буюртмалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават, 6-хона. Телефон: (99895)402-54-75. www.emulk.uz. best.fergana@mail.ru. Лицензия: RR-0225.

«Best Realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиалида 2018 йил апрель ойида ўтказилган аукцион савдоси натижаси: Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, «Полосон» ШФЙ, «Ибн Сино» МФЙ, Марғилон йўли кўчасида жойлашган бино ва иншоотлар бир қисми, бошланғич баҳоси — 30 540 000 сўм, сотилиш баҳоси — 33 000 000 сўм.

**Хизматлар лицензияланган.**

**«Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосида Термиз шаҳар «Эко-Тозалик-Термиз» ДУК томонидан қуйидаги автомототранспорт воситалари ва мол-мулклари мажмуа шаклида сотувга қўйилмоқда:

2009 йилда и/ч, Исузу саз NQR71PL русумли, 75/284 МАА давлат белгили, носоз автомашина. 2014 йилда и/ч, Исузу саз NPR82L-KL5VAY русумли, 75/680 ОАА давлат белгили, носоз автомашина. 2009 йилда и/ч, Исузу саз NQR71PL русумли, 75/286 МАА давлат белгили, носоз автомашина. 2009 йилда и/ч, Исузу саз NQR71PL русумли, 75/285 МАА давлат белгили, носоз автомашина. 2009 йилда и/ч, ТТЗ-80-10 русумли, 75АА 524 давлат белгили, носоз трактор. 2010 йилда и/ч, Беларус-821 русумли, 75АА 522 давлат белгили, носоз трактор. 2009 йилда и/ч, ТТЗ-80-10 русумли, 75АА 526 давлат белгили, носоз трактор. 2014 йилда и/ч, Экскаватор погрузчик русумли, 75АА 555 давлат белгили, носоз экскаватор. 2012 йилда и/ч, Исузу саз NQR71PL русумли, 75/813 ЕАА давлат белгили, носоз автомашина. 2013 йилда и/ч, Исузу саз NQR71PL русумли, 75/528 FAA давлат белгили, носоз автомашина. 2013 йилда и/ч, Исузу NQR71PL русумли, 75/529 FAA давлат белгили, носоз автомашина. 2013 йилда и/ч, Исузу NQR71PL русумли, 75/530 FAA давлат белгили, носоз автомашина. 2013 йилда и/ч, Исузу NQR71PL русумли, 75/531 FAA давлат белгили, носоз автомашина. 2013 йилда и/ч, Исузу NQR71PL русумли, 75/532 FAA давлат белгили, носоз автомашина. 2009 йилда и/ч, SAZ NQR71PL русумли, 30/647 AAA давлат белгили, носоз автомашина. 2009 йилда и/ч, SAZ NQR71PL русумли, 30/492 AAA давлат белгили, носоз автомашина. 2008 йилда и/ч, Исузу SAZ NQR71PL русумли, 19 AL 273 давлат белгили, носоз автомашина. 2008 йилда и/ч, Исузу SAZ NQR71PL русумли, 19 AL 274 давлат белгили, соз автомашина. 2008 йилда и/ч, Исузу SAZ NQR71PL русумли, 19 AL 275 давлат белгили, соз автомашина. 2008 йилда и/ч, Исузу SAZ NQR71PL русумли, 19 AL 276 давлат белгили, соз автомашина ва стол-стуллардан иборат мол-мулклар мажмуа шаклида сотувга қўйилмоқда. Мол-мулклар мажмуасининг бошланғич баҳоси — 786 500 000 (етти юз саксон олти миллион беш юз минг) сўм.

Аукцион савдоси Термиз шаҳри, Бахт кўчаси 3/45-уй манзилида 2018 йилнинг 16-17 июль кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар «Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ билан закалат шартномасини расмийлаштириб, ЧЭКИ Ҳамкорбанкдаги х/р: 20208000400868025001, МФО: 01001, ИНН: 305471954га сотилаётган мол-мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Мазкур мол-мулклар ва автотранспорт воситаси ушбу савдода сотилмай қолганда такрорий савдолар 6 июль куни соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади. Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Бахт кўчаси, 3/45-уй. Тел.: (0376) 224-36-76.

**Хизматлар лицензияланган.**

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир:**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт— 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш— 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисоб рақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** — (+998-91) 268-92-32
**Андижон** — (+998-91) 475-23-60
**Бухоро** — (+998-93) 653-50-81
**Жиззах** — (+998-91) 943-67-44
**Наманган** — (+998-90) 260-50-77
**Навоий** — (+998-93) 314-13-03
**Самарқанд** — (+998-97) 915-50-87
**Сирдарё** — (+998-90) 610-95-55
**Сурхондарё** — (+998-91) 233-69-07
**Фарғона** — (+998-90) 991-55-71
**Хоразм** — (+998-90) 719-48-00
**Қашқадарё** — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
Т. Шернаев
**Навбатчи:**
С. Абдураҳмонов
**Мусаҳҳиҳ:**
С. Шодиева
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти — **23:20**
Топширилди — **23:40**
1 2 3 4 6
Газета офсет усулида,
А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г — 509.**
**31508** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**